

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 16 апрель, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 76 (11.387)

Баҳси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона шаҳрида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмиталари раисларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди. Тадбирда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси, юртимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

● Сурхондарё пиллакорлари кўтаринки кайфият билан янги мавсумни бошлади. Улар жорий йилда ўтган йилдагидан юз тонна кўп, яъни 1400 тонна пилла етиштиришга аҳд қилганлар.

● Андижон туманидаги Бутақор қишлоғида 29-мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда кўргазмали куроллар, ўқув ва лаборатория анжомларидан фойдаланган ҳолда таълим беришнинг энг янги услублари кенг жорий этилган. Мактабда юзлаб болалар 12 та йўналиш бўйича тўғрақларда, 6 та спорт тури бўйича спорт секцияларида шуғулланмоқдалар.

● Республика Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти олимлари саннат чиқиндисидан импорт ўрнини босувчи қоплама олиш технологиясини яратдилар. Ушбу қопламалар кон-металлургия, лак-бўёқ, нефть-газ, кимё, целлюлоза-қоғоз ва бошқа саноат тармоқларида ҳамда ҳар хил ноорганик ва органик моддаларни ташвишда қўл келади. Янги маҳсулот айни пайтда Олмалик кон-металлургия комбинатининг эритиш заводида саноат синовидан ўтказилмоқда.

● Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» спорт мажмуасида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаб-уюшмаси Марказий кенгаши кубоги учун тармоқ ходимлари ўртасида мини футбол бўйича Наврўз байрами ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган республика турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди.

● Учқудуқ туманида ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Рўзи Хўжан» хусусий корхонаси иш бошлади. Яъни тадбиркор Г.Рўзиёва банкдан олган 42 миллион сўмлик кредит эвазига хорижнинг замонавий қайта ишлаш технологик линиялари ва кадоқлаш ускунасини олиб келиб ўрнатгач, йодланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

● Молдовада 5 апрелда бўлиб ўтган ва натижаларини муҳолифат қоралаётган парламент сайловлари бўйича сайловчиларнинг овозларини қайта ҳисоблаш жараёни бошланди. Овозларни қайта ҳисоблаш тўғрисидаги қарор мамлакат Конституцион суди ҳамда давлат раҳбари Владимир Ворониннинг сўровига кўра қабул қилинди.

● Маълумки, Афғонистонда президент сайлови шу йил 20 августда бўлиб ўтади. Ҳ.Карзайнинг ваколат мuddати эса 21 майда тугайди. Шу муносабат билан Афғонистонда туркман қабилалари кенгаши ҳамда Фарбий Хирот музофотидаги кўчманчилар кенгаши делегатлари ва Хирот музофотидаги уламолар кенгаши мамлакат Олий судининг амалдаги Президенти Ҳамид Карзай ваколат мuddатини сайлов ўтгунга қадар узайтириш тўғрисидаги қарорини маъқуллади ва барчани бундан қўллаб-қувватлашга чакирди.

● Боливия Президенти Эво Моралес 6 кун давом этган очликдан сўнг муҳолифатга қарши эълон қилган норозилик акциясини тугатди. Бунга муҳолифат унинг талабни бажариб, конгрессдаги сайлов ҳақидаги қонун лойиҳасига қўйилган тақиқни олиб ташлагани сабаб бўлди.

● КХДР маъмурияти талабига кўра МАГАТЭ нозирлари Пхеньян шаҳридан чиқиб, Хитой поймакти Пекин сари йўл олдилар.

● Индонезиянинг Суматра ороли қирғоғида Рихтер шкаласи бўйича 6,6 балли кучли зилзила содир бўлди. Ҳозирча вайронгарчиликлар ва зилзила қурбонлари тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

● Хитой ўзининг улкан навигация тизимининг «Бэйдоу» иккинчи суний йўлдошини коинотга муваффақиятли олиб чиқди.

● Швейцариянинг йирик UBS банки 2009 йили 8700 кишини ишдан бўшатмоқчи. У банк харажатларини камайтириш учун шундай йўл тутмоқда.

● АҚШнинг Техас штатида сайёралар ва уларнинг йўлдошларини ўрганиш бўйича ташкил этилган конференцияда олимлар Марсда муз борлигини маълум қилишди. Тадқиқот ишларига икки гуруҳдан иборат мутахассислар жалб этилган бўлиб, гуруҳлар сайёрани «Хайрайс» камераси орқали кузатиб боришган. Марсда музнинг мавжудлиги метеоритларнинг сайёрага зарб билан келиб урилиши натижасида аниқланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2009 йил 15 апрель кун Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан республика Ҳукуматининг шу йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи чорак яқунлари муҳокама қилинди ҳамда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирининг олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни жадаллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,9 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 9,9 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 12,5 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўсиши 5,7 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 16,6 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 12,1 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилиши таъминланди, инфляция даражаси прогноз параметрлардан юқори бўлмади.

Таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши инвестицияларнинг 31,4 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2,5 баравар кўпайишини таъминлади. Ҳисобот чорагида 54 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Наманган вилоятидаги «МРТ Текстиль» ва «Клайна текстиль», Фарғона вилоятидаги «Бешарик текстиль», Тошкент шаҳридаги «Айтуг текстиль», Сирдарё вилоятидаги «Мили Гулистон текстиль» кўшма корхонаси тўқимачилик корхоналари, Қашқадарё вилоятидаги «Китоб оқила сут» сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни кучайтириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар, шу жумладан, солиқ юқини янада камайтирилиши, текширишлар сонининг кескин қисқартирилиши ва имтиёзли кредит беришнинг кенгайтирилиши кичик бизнес ва хизматлар соҳасини янада ривожлантириш таъминламоқда. Ҳисобот чорагида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 35,1 фоиз ўрнига 36,2 фоизгача ва хизматлар соҳасининг улуғи 44,4 фоиз ўрнига 45,5 фоизгача кўпайди.

Ривожланишнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурлари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши 208,6 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБАСИ ТЕРАН ЎРГАНИЛИШГА МУНОСИБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг янги «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари хорижий мамлакатлар эксперт-таҳлилий ва илмий-тадқиқот доираларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хитой ижтимоий фанлар академияси (ИФА)нинг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирози таъсирини камайтириш борасидаги тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш мақсадида Президент Ислам Каримовнинг асарини хитой тилига таржима қилиб, наشرдан чиқарди.


Ушбу муносабат билан ХХР ИФАнинг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори Син Гуанчэн асар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиран экан, ислохотлар ва ривожланишнинг ўзбек модели Ўзбекистоннинг узоқ ва да-

вомли миллий манфаатлар ҳамда мақсадларини ўзида мужассам этганини таъкидлади. Ўзбекистон маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтишда тадрижий ёндашувни танлади. Ўзбекистоннинг «шок терапияси» усулини рад этгани мамлакат ҳукуматининг оқилона қарори бўлганлигига бугун бир қанча мисоллар келтириш мумкин. Ислохотларни секин-асталик билан ва босқичма-босқич амалга ошириш модели мамлакат иқтисодиётини тиклашга хизмат қилди. Президент Ислам Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг» тамойили таянч хусусиятига эга

бўлиб, ҳозиргача амал қилиб келмоқда. Истиқлолнинг илк даврида давлатнинг бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти жаҳон молиявий инқирози даври ва ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, унинг тарқалиши сабабларини аниқ таҳлил этади, шунингдек, инқирознинг халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлган Ўзбекистонга таъсири мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ва ривожланишида ўз аксини топишини айтиб ўтади.

(Давоми 2-бетда).



ПОЙТАХТНИНГ Бир кунли Янгиликлар, воқеалар


Малакали мутахассислар меҳнат қилаётган корхоналарда бозор талаблари асосида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлиги билан харидорини топади.

Иқтисодиёт

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Пойтахтимиздаги «SUVMASH» акциядорлик жамияти ҳам ана шундай жамоалар сирасидан бўлиб, бу ерда замонавий технологик линиялар қувватидан, мутахассислар маҳоратидан унумли фойдаланиш ўз натижасини бермоқда. Йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот турлари кўпайиб бораёпти.

Корхонада айни пайтда илгари хорижий давлатлардан келтирилмаган насос агрегатлари ўрнини босувчи ускуналар тайёрланмоқдаки, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Изланишлар асосида яратилган АЗОГС (03/7) ва СМН 200/5 дөб номланган янги насос агрегатлари ана шулар жумласидандир. Бу агрегатлар фермер хўжалиқларига жуда қўл келади.



Айни пайтда корхонада мана шундай импорт ўрнини боса оладиган агрегат ва дастгоҳлар турларини кўпайтиришга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхона ходимлари сифатли маҳсулот тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишига

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Қасқа сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент архитектура ва қурилиш институтида битирувчи босқичлар талабалари тикланиш демократик партиясининг Шайхонтоҳур тумани Кенгаши ҳамкорлигида яшариш, янгиланиш айёми Наврўзга бағишлаб ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат шарқшунослик институтида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг

самарали фойдаланишнинг аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги «Жарарик» маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Миллий тикланиш демократик партиясининг Шайхонтоҳур тумани Кенгаши ҳамкорлигида яшариш, янгиланиш айёми Наврўзга бағишлаб ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги давлат

мамлакатимизга салбий таъсирини бартараф этиш чораларига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Аxbорот технологиялари касб-хўнара коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган дўстлик фестивали «Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз» деб номланди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги давлат

академик Катта опера ва балет театрида шаҳримиздаги фаолият юритаётган мусиқага ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

● **КЕЧА**дан шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин ва юнонрум кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги Кубоги халқаро турнири бошланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИДА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 10 апрелдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорт ширини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарорига биноан аҳолининг йўловчи транспортга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, транспорт хизмати сифатини янада ошириш мақсадида 2009 йил 15 апрелдан 15 майгача «Йўловчи ташиш транспортда аҳолига маданий ва намунали хизмат кўрсатиш ойлиги» ўтказилади. Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхоналар хизмат кўрсатаётган йўналишлар фаолияти ҳақида таклиф ва мулоҳазаларини «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасида ташкил этилган 233-54-86 рақамли «Ишонч телефони» орқали ҳар кун соат 8.00 дан 20.00 гача билдиришингиз мумкин.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми.Боши 1-бетда).

Мажлисида Инкирозга қарши чоралар дастури амалга оширилиши, шу жумладан, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг махсулотлари таннархини пасайтириш ва шу асосда уларнинг экспорт ҳажмини кенгайтириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама қўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга, банк кредитлари бўйича, истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун қарздорликни кечиктириш шаклида экспорт қилувчи корхоналарнинг бюджет орқали ва кредит бериш йўли билан қўллаб-қувватланганлиги қайд этилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган махсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми 6,1 фоизга ўсди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди.

Шу билан бирга, «Ўзимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқурлишиматериаллари» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарлари янги бозорларга чиқиш, махсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш ва корхоналарда маркетинг ишларини кучайтириш ҳисобига махсулот экспортини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қўриш топширилди.

Мажлисида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология хизматдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирларнинг натижадорлигини танқидий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни жадаллаштириш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилаётган инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг раҳбарлари олдига тармоқлар ва корхоналарни инновация жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга, стратегик инвестиция лойиҳалари ва техник жиҳатдан модернизация қилиш лойиҳалари бўйича лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқиши ҳамда экспертизадан ўтказилишни мувофиқлаштиришни кўпайтиришга йўналтирилган тизимли ишларни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Мажлисида мамлакатимизда озик-овқат махсулотлари ва но-озик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш, шу жумладан, буни махсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши батафсил муҳома қилинди. Мамлакат Президентининг қарорлари билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг кенг рўйхати, шунингдек, мазкур қарорларда уларга имтиёзли кредит беришни кескин оширишга доир белгиланган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ички бозорни улар билан тўлдириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиши қайд этилди.

Хўжалик бирлашмалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари олдига озик-овқат махсулотлари ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари баҳорида, шунингдек, уларни аҳолига узлуксиз етказиб берилишини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган аниқ вазифалар қўйилди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, ободонлаштириш ишларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар Хукумат мажлиси иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Хисобот чоғида 249,1 км. газ ва 237,7 км. сув қузувлари тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 220,6 км. газ ва 202,9 км. сув қувири тармоқлари ишга туширилди, 1441,8 минг кв.м уй-жой, шундан қишлоқ жойларда 1219,8 минг кв.м яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Йўллар қуриш, қишлоқни янада ривожлантириш ва ободонлаштиришнинг ресурс, институционал ва ташкилий базасини яратиш юзасидан қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мажлисида компаниялар, уюшмалар ва республиканинг ҳудудлари бўйича дебitor ва кредитор қарздорликнинг ҳолати, шунингдек, муддати ўтган қарздорликни қисқартириш юзасидан қўрилатган чора-тадбирларнинг натижадорлиги танқидий қўриб чиқилди ва таҳлил қилинди. Истеъмолчиларга етказиб берилган ресурслар учун муддати ўтган қарздорликни, шунингдек, электр энергияси ва газнинг техник ва тижорат жиҳатдан исроф бўлишини камайтириш бўйича етарлича иш олиб борилмаётганиги учун «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, бир қатор вилоятларнинг ҳокимликлари фаолияти танқид қилинди.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзтрансгаз» ва «Ўзбекэнерго» компанияларига Монополиядан қичириш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш топширилди.

Кун тартибидagi масалалар бўйича республика вазирлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, тижорат банклари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Хукуматининг мажлисига қиритилган масалаларни муҳома қилиш яқунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

(Давоми.Боши 1-бетда).

Йўлайманки, Ўзбекистон Президентини томонидан белгиланган иқтисодий ислохотларни ўзига хос модел асосида амалга оширишга йўналтирилган беш тамойил мамлакатнинг молиявий-иқтисодий инкирознинг бартараф этишида муҳим аҳамият касб этади ва ҳаётий кучга эга. Ўзбекистон раҳбари инкирозга қарши бир қатор дадил тадбирларни, хусусан, саноатни модернизация қилиш, технология янгилаш ва инновацион технологиялар масалаларини ўртага ташлайди. Шунингдек, Ислом Каримов 2009 йилда жаҳон молиявий инкирозини бартараф этиш ва наватдаги ривожланиш босқичига ўтиш бўйича 6 та устувор вазифаларни белгилаб қўйди.

ХХР ИФА хузуридаги ШХТ тадқиқот маркази бош қотиби Сунь Чжуанчжи Президент Ислом Каримов ўзи қотибда жаҳон молиявий инкирозининг Ўзбекистонга таъсирини ҳар томонлама ва холис таҳлил этганини қайд этди. Мамлакатда молиявий инкироз туфайли юзга келадиган қийинчиликларни енгишга қаратилган тадбирлар дастури алоқасиз қўриб қилинган. Асосий эътибор макроиқтисодиётни барқарорлаштириш ва аҳоли турмушининг фаровонлигини таъминлашга қаратилмоқда. Ўзбекистон раҳбари мамлакат ва халқ олдида бир қатор жиддий синовлар юзга келгани, уларни бартараф этиш учун барча восита ва куч-қудратни сарфлаш зарур эканлигини таъкидлади.

Иқтисодий ривожланишнинг муҳим босқичида, мислсиз тўсиқлар шароитида Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб ва мамлакатнинг барча имкониятларини тўла ишга солган ҳолда ўзбек халқиға нафақат инкирозини бартараф этишга қўриб қилинган. Асосий бахш этадиган, балки бошқа давлатларга намуна ҳам бўла оладиган устувор вазифаларни белгилади. Ўзбекистоннинг ривожланиш тажрибаси ва Ислом Каримовнинг гоёялари чуқур ўрганилишга муносиб.

ХХР илмий ривожланиш давлат кенгаши тадқиқот маркази қозибди Европа ва Осиёнинг

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБАСИ ТЕРАН ЎРГАНИЛИШГА МУНОСИБ

Ижтимоий ривожланиш институти директори ўринбосари Чжао Чанцин ҳам Президент асари ҳақида ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Унинг фикрига кўра, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инкирози дунёнинг ривожланган давлатлари қатори ривожланаётган мамлакатларига ҳам маълум даражада таъсир қилади. Турли давлатлар инкирознинг бартараф этиш юзасидан ўзига хос бўлган, бир-бирига ўхшамаган чора-тадбирларни қабул қилмоқда. Дунё ҳамжамиятининг аъзоси сифатида Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас.

Чжао Чанциннинг фикрига кўра, китобда ҳам мамлакатдаги, ҳам дунёдаги вазиятга аниқ баҳо берилган ҳамда инкирознинг бартараф этишининг тўғри йўллари тақлиф қилинган. Асар Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инкирозини енгиб ўтишдаги ишончи ва қатъиятини намойён этади.

Ўзбекистоннинг инкироз туфайли юзга келадиган қийинчиликлардан қўрқмай, айти пайтда иқтисодиётини мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигини замонавийлаштиришни алоҳида эътиборга лойик.

Ислом Каримов иқтисодий мутахассис сифатида бугунги инкирознинг ҳақиқий сабабларини кўра олади ва унинг таъсирини бартараф этиш бўйича амалий тақлифларни беради. Хусусан, унинг йирик корхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш, инфратузилмалар барпо этишга сарфланган маблағлар ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тизимларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи савдо билан шуғулланган ташкилотларнинг хўжалик юришти шароитларини яхшилаш каби тақлифлари таҳсинга сазовор.

Ўзбекистоннинг бой тарихи, меҳнатсевар халқи бор. Президент Ислом Каримов асаридан илҳомланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон жаҳон молиявий инкирозининг қийинчиликларига дош бера олади ва мамлакат халқининг тиришқоқлик билан қилган меҳнати эвазига инкироздан кейин халқаро майдонда янгица қўришида гавдаланади. Ўзбекистон ишончага, жароғатга ва тўсиқларга қарши амалий чораларга таянган ҳолда тараққиётга эришади.

Калыкутта шаҳар савдо-саноат палатасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Фарбий Бенгалия штатининг ижтимоий-сиёсий, академик, ишбилармон доиралари, хорижий давлатлар дипломатия миссиялари вакиллари, маҳаллий ва миллий оммавий ахборот воситалари журналистлари иштирок этишди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Президентини асарини юқори баҳолашди. Жумладан, **Калыкутта шаҳри савдо-саноат палатаси президенти Анунам Шох** иқтисодиётни босқичма-босқич ислох қилиш ва уни диверсификациялашга асосланган ривожланишнинг ўзбек модели қўллаб мамлакатларга салбий таъсир кўрсатаётган жаҳон молиявий инкирози шароитида ўзини оқлаганини таъкидлади.

— Президент Ислом Каримовнинг китоби Ўзбекистон раҳбарининг дунё молиявий-иқтисодий со-

ҳасида кечаётган мураккаб жараёнларнинг моҳиятини теран ва ҳар томонлама хис қилишни кўрсатади, — дейди А. Шох, — Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг сўнгги йилларда эришилган юқори суръатларини сақлаб қолиш учун барча зарур чоралар қабул қилинмоқда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги тадбирлар давом этмоқда. Ўзбекистон Президентининг китоби фақуллода ибратли асардир ва мен ўйлайманки, унда кўрсатилган инкирознинг бартараф этиш бўйича чораларни Ҳиндистон шароитида ҳам қўллаш мумкин ва лозим.

Тақдимотда иштирок этган Миср араб давлатининг Ҳиндистондаги фақуллода ва муҳтор элчи Мухаммад Хизазий ҳам ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Ўзбекистон эришган иқтисодий муваффақиятлар менда катта қизиқиш уйғотди. У вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар эвазига мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ўсишини сақлаб келмоқда. Президент Ислом Каримов асарида Ўзбекистон раҳбарининг ўз халқ ва мамлақати тақдирини ҳар қандай жонкуяр эканлиги ўз аксини топган. Бу эса одамларда ўзига ишонч пайдо қилади, ўз оиласи ва мамлакатининг гуллаб-яшнаши, фаровонлигини ошириш мақсадидаги меҳнатининг янада унумдор бўлишига илҳом бахш этади», — дейди Мухаммад Хизазий.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг янги «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» асарининг тақдимоти Қувайт давлатининг «Gulf University» олий ўқув юртида ҳам бўлиб ўтди.

Жаҳон молиявий инкирози ва унинг Қувайт иқтисодиётига таъсири турли доираларда қизгин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бу эса Қувайтнинг барча фуқароларини ташвишга солмоқда. Ҳозирги кунда мамлакат бўйлаб инкирозга бағишланган форумлар, анжуман ва мутахассислар билан турли хил учрашувлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлар сирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг янги китоби қизиқиш

уйғотди.

Тақдимотда иштирок этган сиёсатшунослар, иқтисодиёт, молия соҳаси олимлари ва талабалар асарнинг моҳияти билан танишдилар ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Санъат ва фан факультетининг оммавий коммуникация департаменти раҳбари, сиёсатшунослик фанлари доктори Масъуд Асад китобнинг айтии ўз вақтида чоп этилганлигини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрига кўра, асар нафақат мутахассисларга, балки оддий китобхонларга ҳам мамлакатда 17 йиллик мустақил тараққиёт даврида амалга оширилган кенг қўламли ишлар ҳақида маълумот бериши билан қизиқарли.

— Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан танланган, биринчи галда, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини амалга ошириш учун дастлабки шароитларни шакллантириш, барча соҳаларни ислох қилиш ва ривожлантириш йўли ўзининг ҳаётийлигини намойён этгани ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Мамлакат раҳбарининг бошқалар юрган йўлдан бормай, ўз йўлини танлаши муҳим аҳамият касб этади. У «шок терапияси» ва иқтисодиётнинг ҳамда ўз фуқароларининг ҳонавафрон бўлиши йўлини танламоқда, уларнинг тақдир ҳукмига ташлаб қўймади. Биз бундай вазиятларда баъзи давлатлар қандай аҳволга тушиб қолганликларини яхши биламиз. Ҳозирга келиб улларда на тараққиёт ва на барқарорлик сезилмоқда.

Эътиборга лойик жиҳатлардан яна бири мамлакатда белгиланган барча режаларни муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этиш учун мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилгани ва иқтисодий тараққиёт жараёнининг давлат томонидан тартибга солинишидир.

Дунёда содир бўлаётган ҳозирги аҳвол, шу жумладан, кечаётган глобал молиявий-иқтисодий инкироз Ўзбекистон раҳбарининг бу борада олиб бораётган ички сиёсати тўғри эканлигини кўрсати.

Қувайт ишбилармон доирасининг таниқли вакили Мухсин Абд ал Рахмоннинг таъкидлашича, «биргина «Ёшлар йили» доирасида ва инкироз олди даврада кенг қўламли лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакат ички сиёсатида ижтимоий секторнинг устуворлиги, Президентнинг молия ва иқтисод соҳасида улкан тажрибага эга ҳамда вазиятни таҳлил қилиш ва мураккаб ҳолатдан чиқиб йўлларини топиш қобилиятлари эгаси эканлигидан далоятдир.

Ўзбекистонда инкирозга қарши чоралар дастурининг ишлаб чиқирилиши мамлакат раҳбарияти иқтисодий ва молиявий сиёсатининг мантикий давоми бўлиб, келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ифода қилади. Дастурни, моҳиятига кўра жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози гирдобига тушиб қолган бошқа мамлакатлар иқтисодиётига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида оқилona ва ҳар томонлама ўйланган сиёсат олиб борилиши ҳамда қабул қилинган мақсадли чоралар натижа-сида Ўзбекистон инкирознинг ва унинг оқибатларини бартараф этишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.


«Жаҳон» АА

да улларда қўллаб аҳоли касаначилик асосида меҳнат қилмоқда. Масалан, «Зарафшон қандолатчи» ва «Nbs biznes trade» масъулияти чекланган жамиятлари 70 нафардан кўпроқ киши билан касаначилик асосида меҳнат шартномаларини тузган.

— Бир йилдан буён «Nbs biznes trade» корхонасида шартнома асосида ишлаб ялан, — дейди Гуломд Ражабова. — Бу ерда меҳнат қилиш менга ҳар жиҳатдан маъқул. Тивучилик қўрсатишда ўқиганим корхона томонидан берилётган буюртмаларни тез ва сифатли бажаришимда қўл келмоқда.

Т.ЗИКИРОВ (ЎЗА)

«ТОШКЕНТ — ЁШ ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА»



Ўзбекистон Миллий университети ва Жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетлари мутахассислари, журналистика соҳасини бўлажак касби деб, назарий билимларини ошираётган ёшлар ҳамда амалиётчи журналистлар ўртасида бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу мавзу доирасида кечди.

«Тошкент оқшомини» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти томонидан юқоридаги икки олий ўқув юрти раҳбарияти билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланган бўлиб, мулоқот чоғида азим шаҳримизнинг тарихи, бугунги кун ва келажак ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам бевосита мавзуга ҳамроҳ қилинди.

Устозлар даврасига жалб этилган талабаларнинг кўпчилиги энди қалам тебратиш оstonасида бўлса-да, бироқ баъзилари учун «Оқшом» газеталари бу борада синов майдонига айланиб улгурган ва ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ҳам ўтаб келмоқда. Шу нуқтага назардан ёшлар ўз мақсадлари, орзу-умидлари билан ўртоқлашар эканлар, Тошкентнинг янги тарихи — эртанги кун ва келажакда муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилаётганликлари ҳақида мисоллар билан тўхталишиб, бугунги кунда пойтахтнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ёритиб келадиган шаҳар газетасига тилақлар билдиришди, ёшлар нигоҳидаги мушоҳадалар газета саҳифаларидан кўпроқ ўрин олишига ишонч билдириб қолди.

Бўлажак издошларимизнинг бундай самимий тил-тақлифларидан келиб чиққан ҳолда тадбир давомида тез орада олий ўқув юртлари талаба-ёшлари учун ўзига хос маҳорат мактаби ташкил этилиши маълум қилинди. Таъкидлаб ўтилганидек, бу мактаб нафақат журналистика факультетлари талабаларининг амалиёт ўсташига, балки бошқа олий ўқув юртларига таҳсил олиб, шу соҳага илҳос қилган барча ёшлар учун очик бўлиши, бу ерда улар кўп йиллик тажрибага эга устоз-мураббийлар билан ёнма-ён туриб, журналистиканинг ҳам катта заҳмат талаб этадиган, ҳам қизиқарли соҳа эканлигига бевосита шохид бўлишларига катта имконият ҳамдир.

Мулоқот, дарҳақиқат, мана шундай очик ва мушоҳадали тарзда ўтди. Бўлажак журналистларнинг яна бир тақлифлари инобатга олиниб, «Оқшом» саҳифаларида эндиликда алоҳида ўрин ажратилиб, унда эндиликда қалам тебратишга киришаётган ёшларнинг мақолалари чоп этиб борилади. Аста-секин қаламлари чархларини бориши билан уларнинг ижод намуналари албатта, газетанинг еттакчи саҳифаларидан ҳам ўз жойини топади.

Талаба-ёшлар тадбир доирасида газетани бош-мага тайёрлаш ва чоп этиш жараёнлари билан таҳририятда компьютерда саҳифаланганидан сўнг беҳуда кечадиган барча юмушлар билан ҳам батафсил танишишга муваффақ бўлишди.

Дavra суҳбатида билдирилган фикр-мулоҳазалар, амалий ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши тўғрисида газетанинг кейинги сонларида батафсил ҳикоя қилмаиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ТАМОЙИЛИ — АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида одил судловни амалга оширишда тарафлар тенг ҳуқуқлигини таъминлашнинг назарий-амалий муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадирида мазкур марказ директори А.Ғафуров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Олий суд хузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдинро ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ва ҳимоя ҳуқуқининг янада мустаҳкамлангани инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатини кучайтирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармони бунда муҳим омили бўлмоқда. Зеро, қучли мустақил адвокатура тизими инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонунчи манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали механизмларидандир. Бу одил судлов жараёнида тарафларнинг тенг ҳуқуқлигига ва адолатнинг қарор топишига кизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адвокатлар палатаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари Ходимлари иштирок этган тадбирда судьяларнинг бурч ва масъулияти, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш, одил судловни таъминлашда прокурор ҳамда адвокатнинг ролига бағишланган маърузалар тингланди.

Норгул АБДУРАЙМОВА, ЎЗА муҳбири

Фармон ва ижро

КАСАНАЧИЛАР КўПАЙМОҚДА

Аҳолини, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлашда касаначилик муҳим ўрин тутати. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган фармони асосида касаначиликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперациани кенгайтириш, айти пайтда аҳоли фаровонлигини оширишга кизмат қилаётир.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йил бошидан буён туманда 130 нафардан зиёд киши касаначилик асосида даромад топиш

имконига эга бўлди. Туман бандликка кўмаклашиш марказидан маълум қилишларича, 2009 йил якунига қадар бу ерда яна етти юзга яқин фуқарони уй меҳнатига жалб этиш кўзда тутилган.

— Туманимизда 7 йирик саноат корxonаси ҳамда икки ярим мингга яқин кичик корхона фаолият кўрсатмоқда, — дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Тозагул Акрамова. — Айти вақт-

